



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ



ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 42 (9278).

1988 йил 27 февраль

Баҳоси 3 тийин.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитети-нинг Сиёсий бюроси 25 февраль куни бўлиб ўтган мажлисида ҳукуматнинг енгил саноатини техника билан қайта жиҳозлашга доир таклифларини кўриб чиқди. Шу масалани муҳокама қилиш чоғида енгил саноатни ривожлантиришга кейинги вақтларда қатъиян эътибор берилган бўлса-да, аммо тармоқда энг муҳим буюмларни ишлаб чиқариш секинлик билан кўпайиб бораётганлиги таъкидланди. Маҳсулот турлари суст янгиланмоқда, унинг сифати етарли суръатлар билан оширилмапти. Енгил саноатнинг ишлаб чиқариш ва илмий базаси техникавий жиҳатдан орқада қолганлиги вужудга келган аҳолига кўп даражада сабаб бўлмоқда. Тармоқда эскириб қолган кўп қўлланма машина-ускуналари ишлатилмоқда, ҳодимларнинг меҳнат, турмуш ва дам олиш шaroитларини яхшилаш масалалари секинлик билан ҳал қилинмоқда.

Сиёсий бюро енгил саноатда фан-техника тараққиётини жаддалштириш борасида КПСС Министрлар Совети тақдим этган программани маъқуллади. 1988—1995 йилларда ишлаб чиқаришни тубдан қайта жиҳозлаш, замонавий техника ва технологиядан кенг қўлланадиган асосида товарлар ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш ва уларнинг

сифатини яхшилаш кўзда тутилмоқда. Болалар, ёшлар ҳамда катта ёшдаги кишилар учун буюмлар, одамларнинг спорт билан шуғулланиши ва актив дам олиши учун кийим-кечак ва пойабзаллар, ҳаридоргир бўлган янги, модели товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга алоҳида эътибор берилди.

СССР энергетика программасини бажариш, электр энергетикани ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди. Ҳозирги шaroитда халқ ҳужалигини ёқилғи ва энергия билан пухта таъминлаш ҳамда аҳолининг уларга бўлган талаб-эҳтиёжларини қондириш алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, қайта қўриш вазифаларини амалда рўйбга чиқаришнинг, актив социал сиёсатни амалга оширишнинг гоёта муҳим шарти эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Шу билан бирга, СССР энергетика программасида кўзда тутилган бир қанча муҳим топшириқлар қониқарсиз бажарилаётгани қайд этилди. Экономикани интенсификация, меҳнат унумдорлигини ўстириш негизи бўлмиш электр энергетиканинг жиддий равишда орқада қолаётганлиги катта таъвир таъдирмоқда. СССР оғир машинасозлик министрлиги гоёта тежамли машина-ускуналар ва приборларни талаб этилаётган ҳажмларда ишлаб чиқа-

ришни таъминламапти, бу эса энергияни тежаш, электр станцияларини техника билан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш сиёсатини амалга ошириш суръатларини пасайтирмоқда.

Ёқилғи-энергетика тармоқлари ва машинасозлик комплексларининг раҳбарларига СССР энергетика программасини сўзсиз бажариш учун ишлаб чиқариш қувватларини ўстиришни кўпайтириш ҳамда улардан яхшироқ фойдаланиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўриш таклиф этилди. Ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш режимини кучайтиришга, энергетика машинасозлиги потенциалини оширишга алоҳида эътибор берилиши керак.

Сиёсий бюро М. С. Горбачёв билан Н. И. Рижковнинг АҚШ давлат секретари Ж. Шульц Москвага қилган визити вақтида у билан ўтказган суҳбатларининг, Э. А. Шеварднадзе олиб борган музокараларнинг якунларини муҳокама қилиб, маъқуллади. Юксак даражадаги бир қанча Совет-Америка сиёсий мулоқотлари Вашингтонда эришилган аҳд-номаларни рўйбга чиқариш учун, Москвада олий даражада ўтказиладиган янги учрашувга оид масалаларни пухта

[Давоми 2-бетда].

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

24 февраль куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг мажлиси бўлди. Мажлисида «Навоязот» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитети ва маъмуриятининг ўзини-ўзи пул билан таъминлаш ва ўз харажатларини ўзи қоплаш, давлат корхонаси-тўғрисидаги қонуннинг амал қилиши шaroитидаги ишчи масаласи кўриб чиқилди. Мазкур масала юзасидан қабул қилинган қарорнинг баъни матбуотда эълон қилинади.

Марказий Комитет бюросининг мажлисида Андижон шаҳар партия комитетининг аҳоли соғлигини сақлашни ташкил этиш соҳасидаги иш кўриб чиқилди. Бу ишда катта камчиликлар борлиги, шаҳар партия комитетининг секретарлари Т. А. Ҳотамов, Э. М. Ключкина ўртоқлар соғлиқни сақлашга партиявий раҳбарлиқнинг зарур даражада бўлишини таъминламаётганликлари, уни жадал ривожлантириш учун самарали чора-тадбирларни қўрмаётганликлари таъкидлаб ўтилди.

Шаҳар «Саломатлик» программаси қониқарсиз амалга оширилмоқда, унинг бажарилишини ҳеч ким контрол қилмапти, тузилган соғлиқни сақлаш област фавқуллода комиссияси журъатсизлик, ташаббуссиз-

лик билан ишламоқда, етилган муаммоларни ҳал этишдан ўзини четга олмоқда.

Болалик ва тугруққа ёрдам муассасалари, поликлиникалар, касалхоналар ва дорихоналарнинг кўпи эски ва мослашмаган биноларда жойлашган. Уларда ҳар бир бемор ҳисобига тўғри келадиган фойдали саҳн норматив-да кўзда тутилганидан 2—3 баравар кам. Кўп миқдорда санoат, қурилиш, транспорт ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар жойлашган шаҳарда фақат битта медицина-санитария қисми ишлаб турибди. Бунинг устига унда стационар йўқ. Профилактик медицина қўриқларининг савияси жуда паст, аҳолининг касалланиши даражаси камаймапти, гепатит билан касалланиш сони ўтган йилга нисбатан икки баравар кўпайди.

Болалик ва тугруққа ёрдам хизматининг аҳоли айниқса таъвир таъдирмоқда. Акusher - гинекологларнинг малакаси паст, болаларга реанимацион ёрдам бериш йўлга қўйилмаган, янгисив терапия самараси талабга жавоб бермапти. Акusher-гинекологларнинг атиги 40 проценти оператив техника методларини эгаллаган. Бу масалаларда медицина институтининг имкониятларидан

[Давоми 2-бетда].

Пойтахтнинг Октябрь районидаги Тошхўжаевлар она-сига ҳамма ҳавас билан қарайди. Карима ая билан Содиқхўжа оталар узоқ йил тотув яшашиб, ўн уч нафар фарзанд тарбиялаб воёга етказишди. Ҳозир бу катта она аъзоларининг сони 70 дан ошган.

Е. Ботиров фотоси.



Ю. КРУЖИЛИН,
УзТАГ мухбири.



• Сиз нима дейсиз?

БУ—ОДОБААН
ЭМАС!

ҲАМҚИШЛОҒИМНИ излаб тўқимачилик комбинатига боргандим. Қайтишда ҳадеганда автобус бўлавермади. Бекатда эллик ёшлар чамасидаги бир кишидан бўлак ҳеч ким йўқ.

Бир вақт мулоҳидадан қаттиқ қаҳқаҳа кўтарилиди, бир тўда қизлар кўринди. Улар ўзлари-ча хандон отиб кулишар, маст одамлардек бир-бирларини туртишар, кўчани бошларига кўтаришар эди. Қаршидан ўтиб бораётган йигитга ним пушти ранг пальтоли қиз гап отиб тегажоглик ҳам қилди. Йигит ҳижолат тортиб, тескари қараб кетди. Боягидан ҳам қаттиқроқ кулги кўтарилиди. Енимда ўтирган киши афсуслангандай, бош чайқаб кўйд.

Улар бекатга етиб келишди-да, менга қараб туриб яна бараварига кулиб юборишди. Бейхитёр у ёқ бу ёғимга қарадим. Йўқ, ҳаммаси жойида. Юрагим қисилиб, борган сари тоқатсизлана бошладим. Шу пайт яхшиям олдидан турган автобус гуриллай бошлади. Маршрутига ҳам қарамай унга югурдим. Иложи борича бу ердан тезроқ кетишни ўйлар эдим...

Автобус жўнади-ю, енгил нафас олдим. Қизлар узокда қолиб кетишди. Лекин ҳамон юрагим ёш эди. Уйлардим: наҳотки шу қизлар ифбат-хаёни йўқотиб, кўча-кўйда ўзларини тутишни билмай қолишган бўлса. Ахир булар қаерда тарбия топишарди?

М. СУЛАЙМОНОВ,
ТошДУ студенти.

РЕДАКЦИЯДАН: Кўча-кўйда, одамлар орасида ўзини тутта билмайдиган, одоб доирасидан чиқарилган ёшлар учраб туради. Уларга сиз қандай муносабатда бўлаяпсиз, тўқнашувлардан ўзингизни четга опаяпсизми ёки таниб-бериб, тартибга чақираяпсизми! Умуман андишасизлик билан одоб-ахлоқ доирасидан чиқиб кетаятган ёшларга нисбатан нима демоқчисиз! Сизнинг фикрингиз қандай, газетхон дўстим!

•

• Область комсомол комитети пленуми олдидан

СИЁСИЙ МАРКАЗ БЎЛСИН

ОБЛАСТЬ комсомол комитетининг навбатдаги пленумига тайёргарлик доғида биз «Кибернетика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси комсомол ёшлари билан учрашиб, сиёсий маориф системасини янада такомиллаштириш бўйича уларнинг фикр ва мулоҳазаларини ўргандик.

МУНОЗАРА дағида ёшлар комсомол сиёсий маориф системасида ўтилатган машғулотларнинг зерикарлигидан нолиб гапирдилар. Бахслар бўлмайди, мавзулар кундалик ҳаёт билан боғланмайди, қуруқ қироатхонлик эса ҳеч кимда қизиқиш уйғотмайди.

Узоқ суҳбатдан сўнг ёшлар сайлов участкаларининг агитпунктларидан доимий ишловчи сиёсий марказ сифатида фойдаланишни тақлиф эдилар. Маълум мавзулар бўйича шу ерга йиғилишиб бахслашиш, шахсий фикрларини баён этиш мумкин бўлади.

Учрашувда ёшларнинг сиёсий онги қаерда кўпроқ шаклланади, деган савол ўртага ташланди. Бир группа

комсомоллар бу саволга оилада шаклланади, деб жавоб беришган бўлса, яна бир группа ёшлар ўқув юртиларида ва меҳнат коллективларида деган фикрни билдиришди.

Ёшлар билан учрашувлар давом этаяпти. Тошкентдаги 110-урта мактаб ўқувчилари, Тошкент политехника институтининг студентлари, «Средаэлектрораппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари билан бўлган бахсларда ҳам комсомол ёшларнинг сиёсий билимининг оширишга ёрдам берувчи қизиқарли фикрлар билдирилди. Уларни умумлаштириб амалга ошириш чораларини кўраяпмиз.

Л. ШАГОВА,
область комсомол комитетининг инструктори.

ҚАЕРДА БАҲСЛАШАМИЗ

КУП ЙИЛЛАРАН берн идеология ишида ялпи қамраб олиш ҳукми эди. Оқибатда тарбиявий ишларнинг пугури кетди. Эндикда партиянинг голий-сиёсий ишларини тубдан қайта қуриш бўйича муҳим тадбирларни белгилаяпти. Шу йўналишда сиёсий ўқув системасининг қайта қурилатганини айтиш мундоо бўлмакда.

КОМСОМОЛ сиёсий маорифи мактабининг кейинги машғулотларидан бирида биз мамлакат социал-иктисодий тараққиётини жадаллаштириш масалаларини жиддий муҳокама қилдик. Чунки, бу мавзу бевосита ўз корхонамизга ҳам алоқадор. Корхонамизда янгича ҳужалик юритиш системасига ўтиб ишлашга ҳозирлик кўриляётган эди. Машғулотда янгича системада ҳар бир меҳнат коллективи олдидан турган вазифалар конкрет таҳлил қилинди, вазифалар белгилан олинди. Бундан ҳар биримиз етарлича хулоса чиқариб олдик.

Лекин машғулотларнинг бир қисми қизиқиш уйғотмапти. Шунинг учун биз партия-комсомол сиёсий мактабларини ташкил этиш тақлифини ўр-

тага қўймоқдамиз. Бу усулда ёшларни коммунистлар намунасида тарбиялаш имкони яратилади. Айтиш пайтда бахслашув клублари ҳам тузиш керак. Ҳамма муаммони фақат сиёсий ўқув машғулотида ҳал этиб бўлмайди. Шу босидан бахслашув клублари бўлса сиёсий, иқтисодий, тарбиявий ишларга оид муаммоларни мунозара қилиб ҳал қилишимиз мумкин. Бахс мавзунини ўзимиз танлаб оламиз. Мунозара, ошқора суҳбатлар ёшларда сиёсий позицияни тўғри танлашга, гражданлик фазилатларини камол топтиришга ёрдам беради.

А. ГАЛАТ,
«Ангрен» кўмир разрезининг экскаватор-машинисти.

ИШЧИ ГУВОҲНОМАЛАРНИ ТОПШИРИЛДИ

«Чирчиксельмаш» заводи маданият саройида ёшларни ишчилар сифатида қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

Шу куни завод ветеранлари, илгорлар сўзга чиқиб, ёш машинасозларини самимий қутладилар ҳамда уларга корхона тарихи, унинг шонли аъзолари ҳақида мароқли ҳикоя қилиб бердилар. Сўнгра ёшларга ишчилик гувоҳномалари, эсдалик совғалари сифа-

тида янги асбоб-ускуналар топширилди.

Байрам тантаналарида чирчиклик киноҳаваскорлар яратган илгор ишчи сулоалари ҳақидаги ҳужжатли фильм, «Лола» фабрикасида ишлаб чиқарилаётган турли фасондаги либослар кўргазмаси намойиш этилди. Бадиий ҳаваскорлар ижросидаги куй ва қўшиқлар ҳам байрамга фойз киритди.

Г. ҲУСАНОВА.

ҲИСОБДА ЙЎҚ КОМСОМОЛЛАР

Фабрикада ишлаётган ишчиларнинг 300 дан кўпроғи йигит-қизлардир. Лекин уларнинг 146 нафари комсомол ташкилоти ҳисобиде туради, холос. Ҳўш, қолганлар-чи?

Энергия цехи электрослесари Абду-саломи Қирғизбоев эндигина 23 баҳорини кўрган. Мактабда ўқиб юрган пайтларида комсомол аъзоллигига қабул қилинган эди. Ҳўшнинг тамомлаб уйсузлик комбинатига ишга кирди. Лекин шу ерда комсомол билетини йўқотди. Ушундан бери у ўзини комсомол сафидан чиққан деб ҳисоблайди. Фабрикага ишга ўтгач, олдин бу воқеани ҳеч кимга билдирмади. Ҳаммаси кейин маълум бўлди.

Гилам тўқувчилар Маъмура Жўраева, Зулхумор Зоированинг ҳам ишга кирганига анчагина вақт бўлиб қолди. Лекин улар комсомол ташкилоти ҳисобига ўтишни ҳаёлларига ҳам келтиришмапти. Комсомол комитети эса ишга янги кираётган йигит-қизлар билан суҳбат ўтказмайди. Ким комсомол ёшида, ким бу ёшдан ўтганлиги суриштирмайди.

Комсомол ташкилоти секретарининг ўринбосари Юрий Ким яқинда партия аъзоллигига кандидатликка қабул қилинди. Наҳотки, коммунистлар ундан комсомол ишлари қандай йўлга қўйилган-

Қайта қуриш қандай борапти?

лигини, қайта қуриш қандай бораётганлигини суриштиришмаган бўлса. Юрийга «Комсомол прожектори» штабинини бошқариш топширилган. Лекин у бу топшириқни ҳам ёлчишиб бажармапти. Штат аъзолари қорозда бор-у, амалда йўқ. Улар қандай ишлар билан шуғулланишганлиги коллективга маълум эмас.

Фабрикада комсомол йиғилишлари кейинги пайтда қачон ўтказилганлигини ёшлар эслаб олинмайди. Жумладан, гилам тўқувчи Раёно Ҳолматова ҳам йиғилишларда қандай масалалар муҳокама қилинаётганлигини ўйлаб ҳаёлига келтири олмайди. Ваҳоланки гилам фабрикасида ёшлар ҳаётига оид муаммолар оз эмас. Ёшларнинг бўш соатлари ниҳоятда зерикарли ўтапти. Уларни ўқитиш, сиёсий билимларини ошириш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Ҳар йили тадбирлар плани ишлаб чиқилди-ю, аммо у бажарилмай қорозда қолаверади. Агарда белгиланган тадбирлар ўз вақтида бажарилганида ёшлар активлиги яна ҳам ошган, фабрика эришяётган ютуқлар кўлами яна кенгайган бўларди.

О. ХУШНАЗАРОВ,
Олмалик шахри.



Ўзбекистон ССР ДОСААФнинг Тошкент денгизчилар мактабиде ҳарбийлаштирилган эстафета, стол теннис, арқон тортиш каби спорт турлари бўйича ўтказилган қишқи спартакиадага яқун ясалди. Мактаб курсантлари мусобақалар давомида ўз

маҳоратлари ва жисмоний тайёргарликларини намойиш эдилар. 5-взвод курсантлари спартакиада голиби бўлишди. Суратда: жюри аъзолари спартакиадага яқун ясамоқдалар.

А. Кошкин фотоси.
(ЎЗТАГ).



• Катталарга тегишли •

«Ҳурматли редакция!»

Бўка район халқ маорифи бўлимига қарашли 6-боғча «Октябрь» 40 йиллиги колхозни терренториясига жойлашган. Бу бинода болалар учун ҳеч қандай шарт-шароит йўқ. Хоналар тор. Тўғрисики айтсам, номинатинга боғча. Бир неча бор район ижроия комитетига, район халқ маорифи бўлимига, колхоз раисига мурожаат қилдик. Аммо биронта ташкилот раҳбари бу масалани ҳал этмади. Ваҳоланки, шу ҳўжалида, бизнинг боғчамиздан уч юз-тўрт юз метр нарида жойлашган 90 ва 140 ўринли яна иккита янги типдаги боғча бор. 90 ўринли бино уч йилдан бери бўш туради. Лекин уни колхоз кургани учун райОНОга раво кўрмапти. Раис «бир жойда икки хил таъминотдаги боғча бўлиши мумкин эмас, сизлар болаларни яхши боқасизлар, бизда ночорроқ» дея илтимосимизни рад этди.

Колхозимиз иқтисодий жиҳатдан анча бақувват. Биз эса 57 нафар болани тор хоналарда бир амаллаб тарбиялаяпмиз. Ёрдан беришингизни сўраб боғча мудираси:

Ҳамро ХОЖИБОЕВА.

Хат муносабати билан Бўка районида бўлиб, район халқ маорифи бўлими мудирининг ўринбосари Тоҳир Мидхатович Габидуллинга аҳволим маълум қилдик. У ҳам хабардор экан. Муаммони ҳал этиш мақсадида юқори ташкилотларга хат тайёрлаб қўйганлигини, яқинда колхознинг иккала боғчаси ҳам РайОНО бюджетига ўтишини маълум қилди. Бўш турган боғча уч йил ичида яроқсиз ҳолга келиб қолганлиги учун колхоз уни ремонтдан чиқариб беришга рози бўлибди.

Бу хабар бизни бироз бўлса-да, таскин топтирди. Аммо, 6-боғчада ана шу силжиш-илгирироқ қиришлмаганлигидан ранжидик. Дарҳақиқат, хоналар учун қадар тор ва кўримсиз-ки, бу ерда болаларнинг ўй-

наб-қулиши, дам олиши ёки тadbирлар билан шуғулланиши учун ҳеч қандай имконият йўқ. Ясли группасида қадим босишга жой тополмай, эшикдан базўр бош суқибгина аҳволи кўздан кечирдик. Ута ачинарли.

Шуниси таажжубки, район халқ маорифига тегишли боғчада болалар шу аллозда яшаётган бир пайтда, ундан сал нарида бутун бошли бир боғча бўш турибди.

Хўп, боғча колхоз маблагига қурилган экан, у ҳўжаликини. Лекин муаллимлар ҳам бегона эмаслар-ку. Шу колхоз, шу район фарзандларига таълим-тарбия беришди-ку. Нера педагог ота-оналарнинг арзвалари аввалроқ инобатга олинмади?

«Уқитувчиға бўлган муносабатни ҳеч пайсалга солмай ва иккиланмай ўзгартирмоқ керак»,— деди М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган февраль Пленумида.

Мана бу сўзлардан йиллар давомида педагоглар арз-додиға, уларнинг фарзандлари тарбиясига лоқайд муносабатда бўлиб келган район, совет ташкилотлари тегишли хулоса чиқариб олишлари зарур. Район халқ маорифи бўлими муаммони ҳал этишни жадаллаштириши лозим. Бу шунинг учун ҳам зарурки, ҳали колхозда боғча ремонтига изчил киришилгани йўқ. Колхоз партия комитетининг секретари Абдухалил Нишонов қурилиш материаллари учун район агроасаноат бирлашмасига эндигина хат тайёрлаш тарадуида юрибди. Бу шунинг учун ҳам зарурки, ҳозир «Ҳамма — яхши нарсалар болаларга» деган гаплар қуруқ қақирқ ёки ширғина бўлиб қолмаслиги керак. Уларнинг саломатлиги, билими, тарбияси борасида ғамхўрлик кўрсатиш ҳаммамизнинг бурчимиз.

Болалар олами билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга эътиборсиз қарашга, лоқайдлик ва сансоларликка чек қўядиган пайт келди энди!

С. ҲАСАНОВ,

«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус муҳбири.

ВЕЛОСИПЕД ҲАЙДАЙДИГАН ҚЎҒИРЧОҚ

Бир кун Назира деган қиз боғчасига бормади. Боғчага келган болалар шкафдан ўйинчоқларини олиб, ўйнай бошлашди. Назиранинг қўғирчоғи ёлғиз қолибди. У эгасини узоқ қутибди, лекин Назирадан дарак бўлмабди. Охири қўғирчоққа алам қилибди-да, шкафдан сакраб тушиб, кўчага йўл олибди. Йўлакда Рустамнинг уч йилдирақ велосипеди турган экан, қўғирчоқ унга миниб, Назиранинг уйига жўнабди.

Йўлда қизил чироқ ёнганда тўхтабди. Яшил ёнганда ўтибди, хулласи, кўча қондасини бузмабди. Лекин жуда тез юришга ҳаракат қилибди. Уни кўрган трамвай, троллейбус ҳайдовчилари, ҳатто учиб кетётган кушлар ҳам ҳайрон бўлиб қолишди. Барбос деган кучук орқада қолиб кетибди. Ниҳоят велосипед Назиранинг уйига етиб келибди. Эшикдан отилиб кирибди. Назира уйда мушукчасини ўйнаб ўтирган экан, қўғирчоқ уни сўроққа тутибди.

— Нера боғчага бормадинг? Мен зерикиб қолдим. Ҳозир олдимга туш. Олиб кетаман,— дебди.

— Бормайман, бормайман!— дебди Назира.

— Бормганингга қўймайман: Биз ҳам овора бўлиб келдик,— дейишди дерзадан учиб кирган сочиқ, тарелка ва қошиқвой. Кейин кўпчилик бўлиб Назирага ёпишишди.

— Бўлди, бўлди, бораман,— деб Назира ўз овозидан уйғониб кетди. Кейин шошилиб ювинибди, кийинибди. Соқларини тараб, боғчага жўнабди. Эшикдан кирибди-ю, шкафдан жилмайиб турган қорақўз, жингалак соч қўғирчоғини олиб, эркалабди.

— Сен зерикиб қолдингми? Энди боғчага сира-сира кеч қолмайман, ҳафа бўлма,— деб қўғирчоғини бағрига босибди.

Махмуд МУРОДОВ.

УҚУВЧИЛАР ИЖОДИДАН

«ҚИЁМАТ» ЖАНГ

«Қиёмат» жанг Акажон, менга қаранг, Асабим жуда таранг. Ҳозиргина жанг қилдим, Ҳамма-ёқни чанг қилдим. Озод этиб қўёним, Боғлаб қўйдим илонини. Йиқитдим бўрини ҳам, Қўғирчи шерини боши ҳам. Чўзилтирдим туяни, Тақаладим куяни. Филни асирга олиб, Ундан ҳам бўлдим голиб... Акам ҳайрон бўлдилар, Ҳужрага йўл олдилар. Уйинчоқларим кўриб Сўнгра қўйдилар қулиб. Нодир АЛИМОВ.



Ғ. ҚОДИРОВ музикаси

Х. ҚАЮМОВ шеъри

ҚУЁНЧА ҚЎШИҒИ

Лақиллатиб оч бўрини,
Роса қилганман қулиги.

Мени ҳатто алдай олмас
Айёр, ёлгончи тулки.
Қўғирчоқ деган ном ярашмас,
Энди мен — қўғирчоқ, жасур.
Хал сеними, лақма бўри,
Бир боллайми, шошмай тур!

ЧИЗМАЛАРГА ЖАВОБ БЕРИШДИ

Болажонлар, биз сиздан саҳифамиздаги саволларга, турли чизмаларга жавоб олаётганлигимиздан хурсандимиз. Бундай хатлар орангизда ребусларни ечишга, топишмоқли шакллардаги ёзувларни ўқиб, билими, зеҳнини синашга қизиқадиганлар қўлигини кўрсатмоқда. Ҳатто ўтган йилнинг 26 декабридаги топишмоқ-шаклга ҳалигача хатлар келиб турибди. Бу ребусни бекободлик Ш. Бектўраева, Ж. Назаров, Г. Муҳаммадиева, С. Қурбонбоева, ўрта чирчиқлик Э. Ёўтаев, Н. Исоқов, паркентлик Д. Маннопова, М. Валиева, С. Ҳасанова, бўқалик М. Ҳаминжаева, чинозлик Ф. Мағдалиев, К. Қўчқорова, оққўрғонлик М. Тўйчибоева, Оржоникидзе районида М. Зокирхўжаева, Д. Эргашева,

оҳангаронлик Ш. Абдуллаев, олмалиқлик Ф. Отабоева, С. Бобоназаров, пискентлик Б. Абдурахмонова, Тошкент районида А. Черкетбоевлар «Одобли элда азиз» деб тўғри хал қилганлиқларини билдирмоқчимиз. Газетанинг 3-январь сонига «Саватда нечта «нон» борлигини пискентлик Д. Жўраҳолова, Тошкент шахридан М. Нишонов олтига деб тўғри топишган. Тўйтепаллик Г. Бекназарова, паркентлик Г. Ёташева, бўқалик М. Ёўлдошевлар бу чизмани ечишга уриниб қўришган.

Газетанинг 16-январь сонигади топишмоқларга янгийўллик С. Жумадуллаев, бўқалик Д. Улўбековлар «Шар, ўроқ, маккажўхори, картошка» деб тўғри жавоб йўллашган.

Қўғирчоғим қўғирчоқ,
Зерикиб қолсам овуноқ,
Эркалатиб боқаман,
Мен ҳам унга ёқаман.

Р. Галиев Фототўзиди.



ТОПИШМОҚЛАР

Тиши олов, ейди ўтин
Бир бурнидан чиқар тутун.

Ариғи йўқ оқади,
Майин юрса ёқади.

Тирпоғи бор, олмас ҳеч,
Қичиради, ҳар тонг, кеч.

Бир таёқда тўрт бармоқ,
Беда кўтарар яноқ.



Бизга қолбаса йўқ, йўқ,
дейишди, опамиз ҳар кун
ташигани ташиган-ку!

Ш. Субҳонов чизган расм.

ЎЙЛАБ ТОПИҒ



Болажонлар, қўёғи сабзига
етиб келиши учун қайси йўл-
дан юриши керак?

Ф. Оришов чизмаси.

РАСМИЙ ХАБАРЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР
СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

26 февраль куни Тошкент шаҳар Советининг сессияси бўлди. Халқ депутатлари шаҳар Советининг 2000 йилгача бўлган даврда ком-

плекс уй-жой программасини амалга ошириш соҳасидаги вазифалари муҳофама қилинди.

Тошкент шаҳар Советининг илгариги сессияларида

депутатлар айтган илтимослар, таклифлар ва танқидий фикр-мулоҳазалар қандай баҳарлаётгани тўғрисидаги ахборот ҳам тингланди.

Сессияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретари В. Н. Лобко қатнашди.

(ЎзТАГ).

ТАШКИЛОТ КОМИТЕТИНИНГ МАЖЛИСИ

26 февраль куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова раислигида Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатларининг шу йил май ойининг охирида Ўзбекистон поштахотида ўтказиладиган Х халқаро кинофестивали ташкилот комитетининг мажли-

си бўлди. Кинофестиваль бош дирекциясининг ана шу кино аянжуманига тайёргарликнинг бориши тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Министрлик ва идоралар, оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари ҳам ахборот берди.

(ЎзТАГ).

ТЕЛЕЭКРАНДА: ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА

Душанба

29 февраль

● МТ-I

7.00 120 минут. 9.05 XV киши олимпиада ўйинлари. 14.40, 15.00. Янгилликлар. 15.15 Қайта куриш прожектори. 15.25 Онамларнинг мактаби. 15.55 Замондошимиз портрети. 16.35 XXI асрга экспедиция. 17.35 Мамлакат шимолда газ қазиб чиқариш муаммолари ҳақида. 18.05 Телетомошабин ҳамроҳи. 18.40 XV киши олимпиада ўйинлари. 21.20 Қайта куриш прожектори. 21.30 Время. 22.00 XV киши олимпиада ўйинлари. 24.00 Дунё воқеалари. 00.10 XV киши олимпиада ўйинларининг тантанали ёпилиши.

● МТ-II

9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35, 12.35 Музика. 12.05 Кушлар ва ҳайвонлар бир том остида. 11.35, 12.35 Музика. 12.05 Кушлар ва ҳайвонлар бир том остида. 13.05 Муҳинини уйғотиш. Бадий фильм. 14.25 Катталар ва болалар. 15.10 Ҳаёт гўзал. Бадий фильм. 16.45 Янгилликлар. 16.55 XV киши олимпиада ўйинлари. 18.30 Янгилликлар. 18.35 Концерт. 18.50 Фильм-концерт. 19.20 Совет Иттифоқида хизмат қилган. 20.20 Тунингиз хайрли бўлсин кичкинтойлар! 20.35 Халқаро панорама. 21.20 Қайта куриш прожектори. 21.30 Время. 22.00 Хотинлар. Бадий фильм. 23.35 Тонгги почта. 00.05 Янгилликлар.

● ЎзТВ

16.45 Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 17.15 Телефильм. 17.30 Қизқувчилар экрани. 18.05 Мультифильмлар. 18.30 Болалар учун спектакль. 19.00 Театр ҳаёти. 19.30 «Ахборот». 19.45 Инсон ва қонун. 20.30 «Ахборот». 20.50 Концерт. 21.20 Қайта куриш прожектори. 21.30 «Время». 22.00 Ёўсон.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ
УЧУН ПРОГРАММА

19.35 Хужжатли фильмлар. 20.05 Кескин танқид остида. 20.30 Ҳинд киноси ҳақида. 21.20 Қайта куриш прожектори. 21.30 Время. 22.00 ФРУН-ЗЕ КУРСАТАДИ.

Сешанба

1 март

● МТ-I

7.00 120 минут. 9.05 XXI асрга экспедиция. 10.05 XV киши олимпиада ўйинлари. 12.50 Янгилликлар. 16.00 Янгилликлар. 16.10 Қайта куриш прожектори. 16.20 Якутия телевидениесининг программаси. 16.50 Болалар учун фильм. 18.00 Фан: назария, тажриба, практика. 18.30 Мультифильм. 18.40 Демократияни ўрганамиз. 19.10 Концерт. 19.30 Дунё воқеалари. 19.50 XV киши олимпиада ўйинларининг тантанали ёпилиши. 20.35 Ҳаёт тафсилотлари. 21.20 Қайта куриш прожектори. 21.30 Время. 22.00 Футбол.

● МТ-II

9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 Информатика ва ҳисоблаш техникаси. 10.05 Немис тили. 11.05 СПУ ўқувчиларига. 11.35, 12.35 Умумий биология 12.05 Немис тили. 13.05 Икарнинг қулаши. Бадий фильм. 14.45 Хужжатли фильм. 15.25 Янгилликлар. 15.35 Илк қувончлар. 4-серия. Бадий фильм. 18.35 Янгилликлар. 18.45 Музикали киоск. 19.15 Қардошлик алфбеси. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 21.15 Концерт. 21.30 Время. 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Театр, кино ва телевидениеда музика. 00.10 Янгилликлар.

23.45 Умид бағишловчи икки кун.

● МТ-II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 Физика. 10.05 Француз тили 11.05 СПУ ўқувчиларига. 11.35, 12.35. Тарих. 12.05 Француз тили. 13.05 Концерт. 13.35 Бош конструктор. Бадий фильм. 1 ва 2-сериялар.

18.25 Янгилликлар. 18.30 Ритмик гимнастика. 19.00 Гигант қаерга кетаяпти. 19.20 Қишлоқ янгилликлари. 20.20 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.35 16 ёшгача ва ундан катталар. 21.20 Қайта куриш прожектори. 21.30 Время. 22.00 Икарнинг қулаши. Бадий фильм. 23.40 Янгилликлар.

● ЎзТВ

7.00 Ассалому алайкум. Информацион — музикали программа. 16.45 Телефильм. 17.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 18.05 Юкори синф ўқувчиларининг азуви Саид Аҳмад билан учрашуви. 19.00 Бошланғич партия ташкилотининг тажриба ва муаммолари. 19.30 «Ахборот». 19.45 Агрорановат ва Озёқ-овқат программаси. 20.20 Фильм-концерт. 20.30 «Ахборот». 20.50 Музикали программа. 21.20 Қайта куриш прожектори. 21.30 Время. 22.00 Мулошишдаги малласоч хоним. Бадий фильм. 23.20 Бугун оламда нима гап!

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ
УЧУН ПРОГРАММА

19.35 Дипломли қаллоб. Бадий фильм. 20.40 Қайта куришнинг долзарб вазифалари. 21.20 Қайта куриш прожектори. 21.30 Время. 22.00 ДУШАНБА КУРСАТАДИ.

Чоршанба

2 март

● МТ-I

7.00 120 минут. 9.05 Ҳайвонот оламида. 10.05 Бриллиант кўл. Бадий фильм. 11.40 Янгилликлар. 16.00 Янгилликлар. 16.15 Қайта куриш прожектори. 16.25 Хормейстернинг ҳаётидан уч кун. 16.55 Агрорановат ишлари ва ташвишлари. 17.45 Салом, музика. 18.25 Фидойи шахслар. 19.10 Дунё воқеалари. 19.30 Фалсафий сўхбатлар. 20.15 Театр журнали редколлегияси билан учрашуви. 21.30 Время. 22.05 Қайта куриш прожектори 22.15 Хужжатли фильм. 23.05 Рундаль саройида музика. 23.45 Дунё воқеалари.

● МТ-II

9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 Информатика ва ҳисоблаш техникаси. 10.05 Немис тили. 11.05 СПУ ўқувчиларига. 11.35, 12.35 Умумий биология 12.05 Немис тили. 13.05 Икарнинг қулаши. Бадий фильм. 14.45 Хужжатли фильм. 15.25 Янгилликлар. 15.35 Илк қувончлар. 4-серия. Бадий фильм. 18.35 Янгилликлар. 18.45 Музикали киоск. 19.15 Қардошлик алфбеси. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 21.15 Концерт. 21.30 Время. 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Театр, кино ва телевидениеда музика. 00.10 Янгилликлар.

● ЎзТВ

7.00 Ассалому алайкум. Информацион-музикали программа. 16.45 Зоология. 17.15 Илмий-оммабоп фильм. 17.30 Адабиёт. 18.05 Мультифильм. 18.15 Пионерлар мамлакатида. 19.00 Телефильм. 19.30 Ахборот. 19.45 Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан. 20.10 Илмий-оммабоп фильм. 20.30 Ахборот. 20.50 Камолот сари. 21.20 Долзарб вазифа. 21.30 Время. 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Фурқат лирикиси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ
УЧУН ПРОГРАММА

19.35 Бўрондаги олишув. Бадий фильм. 21.00 Объективда қайта куриш. 21.30 Время. 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 ФРУНЗЕ КУРСАТАДИ.

Пайшанба

3 март

● МТ-I

7.00 120 минут. 9.05 Салом музика. 9.45. Фидойи шахслар. 10.30 Янгилликлар. 10.40. Урмон бинафшалари. Бадий фильм. 15.45. Янгилликлар. 16.00. Қайта куриш прожектори. 16.10. Концерт. 17.05. Болгариянинг миллий байрами. 17.50. ...16 ёшгача ва ундан катталар. 18.35. Инсон ва қонун. 19.05. Мактаб: қайта куриш муаммолари. 19.20 Шерият лаҳзалари. 19.25 Фестиваллар. Конкурслар. Концертлар. 20.05. Дунё воқеалари. 20.25 Юлия Вревская. Бадий фильм. 1-серия. 21.30 Время. 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.25. Юлия Вревская. Бадий фильм. 2-серия. 23.35. Дунё воқеалари. 23.45. Концерт.

● МТ-II

9.00. Гимнастика. 9.15. Хужжатли фильм. 9.35, 10.35. Умумий биология. 10.05. Испан тили. 11.05. СПУ ўқувчиларига. 11.35, 12.35. Л. Н. Толстой. Уруш ва тинчлик. 12.05 Испан тили. 13.05 Директорликка имтиҳон. Бадий фильм. 14.25. Авлодлар. 15.05 Янгилликлар. 15.15. Такрорий телефильмлар. 18.35. Янгилликлар. 18.45. Концерт. 19.20. Телевизион спектакль. 20.30. Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.50 Катталар учун мультифильм. 21.00. Ритмик гимнастика. 21.30 Время. 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 СССР чемпионати. Баскетбол. 23.10 Хужжатли фильмлар. 23.45 Янгилликлар.

● ЎзТВ

7.00. Ассалому алайкум. 16.45. Рус адабиёти. 17.15. Телефильм. 17.30 Жамиятшунослик. 18.05. Болалар учун фильм. 18.45. Халқаро шарҳловчилар давра сўхбати. 19.30. «Ахборот». 19.45. Телефильм. 20.00. Элга хизмат: талаб ва тақдир. 20.30. «Ахборот». 20.50. Концерт. 21.30. Время. 22.05. Қайта куриш прожектори. 22.25. Зомби варианты. Бадий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ
УЧУН ПРОГРАММА

19.35. Ешлик. 20.05. Оқшом тушишга бор ҳали. Бадий фильм. 21.30. Время. 22.05. Қайта куриш прожектори. 22.15 ФРУНЗЕ КУРСАТАДИ.

Жума

4 март

● МТ-I

7.00 120 минут. 9.05. Инсон ва қонун. 9.35. Юлия Вревская. Бадий фильм. 1-2 сериялар. 16.00. Янгилликлар. 16.10. Қайта куриш прожектори. 16.20. Олим ва сўз. 16.50. Латвия телевидениесининг программаси. 17.40. Хужжатли фильм. 18.40. Пульс. Нефть ва тундра. 19.10. Дунё воқеалари. 19.30. Концерт. 20.25. Олам кинокамера кўзгусида. 21.30. Время. 22.05. Қайта куриш прожектори. 22.15. Мен сизни орзу қилишга ўргатаман. Бадий фильм. 23.40. Нигоҳ.

● МТ-II

9.00 Гимнастика. 9.15 Рус қиши. 9.35, 10.35 Тарих. 10.05 Инглиз тили. 11.05 СПУ ўқувчиларига. 11.35, 12.35 Теварак-атроф билан танишиш. 11.55 Илмий-оммабоп фильм. 12.05 Инглиз тили. 12.55 Кузда қайтаммиз. Бадий фильм. 14.25 Хужжатли фильм. 14.55 Янгилликлар. 15.05 Илк қувончлар. Бадий фильм. 6-серия. 18.30 Янгилликлар. 18.40 Ҳайвонот оламида. 19.40 Илмий-оммабоп фильмлар. 20.10 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.25 Концерт. 21.30 Время. 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Бокс. 24.00 Концерт. 00.50 Бокс.

● ЎзТВ

7.00 Ассалому алайкум. Информацион-музикали программа. 16.45 География. 17.15 Хужжатли фильм. 17.30 Телефильм. 18.05 Концерт. 18.45 Комсомол прожектори. 19.00 Пахтачилик: тажриба ва муаммолар. 19.30 «Ахборот». 19.45 Хужжатли фильм. 19.55 КПСС Марказий Комитетини февраль (1988 й) Пленуми қарорлари — ҳаётга! 20.30 Время. 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Актерлар ва роллар. 23.20 Бугун оламда нима гап! 19.35 Илмий-оммабоп фильмлар. 20.40 Беш йиллик: ишлар ва одамлар. 21.30 Время. 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 ФРУНЗЕ КУРСАТАДИ.

Шанба

5 март

● МТ-I

7.00 120 минут. 9.05 Мен сизни орзу қилишга ўргатаман. Бадий фильм. 10.30 Концерт. 11.20 Янгилликлар. 11.30 Хужжатли фильм. 16.00 Янгилликлар. 16.10 8-симфония. 17.25 Концерт. 17.55 Мультифильм. 18.05 Концерт. 18.20 Катталар кетётганида. Бадий фильм. 19.55 Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Мартга бағишланган тантанали йилгиш. Курстув тугагач Время. 22.00 Автотрике кечаси. 23.25 Дунё воқеалари.

● МТ-II

9.00 Гимнастика. 9.05. Каштачилик санъати. 10.15, 12.05 Италия тили. 10.35 Н. А. Римский-Корсаков. 11.35 О. Бергольц. 12.45 Инсон қўшиқ ортидан боради. 13.05. Бир картина музейи. 13.35 Мультифильм. 13.55 Концерт. 14.45 Хужжатли фильм. 14.55 Янгилликлар.

лар. 15.00 Такрорий телефильмлар. 18.20 Янгилликлар. 18.30 Конькида югуриш спорт. 19.30 Лирик сюита. 19.50 Енгил атлетика. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Концерт. Курстув тугагач Время. 22.00 Баскетбол. 24.00 Овоз. Бадий фильм. 01.30 Янгилликлар.

● ЎзТВ

17.05 Мультифильм. 17.25 Фильм-концерт. 17.50 Кинокурстув. 19.00 «Ахборот». 19.15 Хужжатли фильм. 19.35 «Ахборот». 19.55 Халқаро хотин-қизлар куни 8 мартга бағишланган тантанали йилгиш. 21.30 Время. 22.00 Нафосат.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ
УЧУН ПРОГРАММА

15.25 ДУШАНБА КУРСАТАДИ.

Якшанба

6 март

8.30 Янгилликлар. 8.45 Ритмик гимнастика. 9.30 Концерт. 9.50 Спортлото тиражи. 10.00 Будиликни. 10.30 Совет Иттифоқида хизмат қилган. 11.30 Тонгги почта. 12.00 Киноафиша. 13.00 Музикали киоск. 13.30 Қишлоқ янгилликлари. 14.30 Здорье. 15.15 Камалак. 15.45 Енгил атлетика. 16.45 Уч бақалок. Бадий фильм. 18.30 Халқаро панорама. 19.15 Хужжатли фильм. 20.00 Уйинок. Бадий фильм. 21.30 Время. 22.00 Енгил атлетика. 23.05 Экран усталари. 00.05 Янгилликлар. 00.10. Концерт.

● МТ-II

8.30 Зарядкага сафланган! Тафаккур программаси. 8.45 Сиз яратган бог. 9.20 Портретлар. 10.25 Илмий-оммабоп журнал. 11.25 Уқитувчи дарсига. 12.00 Оламга савҳат. 13.00 Икисодий билимлар асослари. 13.30 Ажойиб кишилар ҳаёти. 14.30 Янгра гармон. 15.45 Мультифильм. 16.05. Телевизион музикали абонемент. 17.00 Конькида югуриш спорт. 18.00 Киножурнал. 18.10 Мамлакат театрлари намойиш этади. 19.40 Мультифильм. 19.50 Музикали фильм. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Енгил атлетика. 21.30 Время. 22.00 Концерт.

● ЎзТВ

8.00 Ассалому алайкум. Информацион-музикали программа. 9.30 Биргаликда қуйлаимиз. 9.55 Порлок нур сари. Бадий фильм. 11.20 Ўзбек киноси билан танишмисиз! 12.05 Мультифильм. 12.20 Инсон ва табиат. 12.50 Ўсириллар учун. 13.35 Уй қандай қурилади. 14.05 Бахши шоирлар ва халқ созандалирининг телевизион конкурси. 17.45 Ота-оналар учун фильм. 19.30 «Ахборот». 19.45 Концерт. 20.30 «Ахборот». 20.50 Концерт. 21.30 Время. 22.00 Ешлик студияси курстаети. 23.15 Фильм-концерт.


ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ
УЧУН ПРОГРАММА

17.55 ДУШАНБА КУРСАТАДИ.

НАФОСАТ

Республикамиз спортчилари бадий гимнастика бўйича Чимкентда ўтказиладиган «Меҳнат резерв»лари марказий советининг биринчилигига тайёргарликни тугалладилар. Командамиз составидан жасуудияти мусобақаларда юксак маҳорат кўрсатган энг яхши спортчилар — спорт мастерлигига номзодлар О. Паншина, О. Четина ҳамда Т. Белоконовлар ўрин олган. Қизларимиз тажрибали тренерлардан ҳисобланган Э. Ромейко раҳбарлигида машғулотлар ўтказишди. У мана қарийб 20 йилдирки, тренерлик қилиб келмоқда. Ана шу даврда қўлаб тажрибали спортчиларни тайёрлади. Суратларда: машғулот даврида.

А. Рисквев фотоси.
(ЎзТАР).

ЛУҚМА БИЛЕТ
ЎРНИГА...
КАЛЕНДАРЬ

20 февраль куни кўпгина футбол ишқибозлари қатори биз ҳам стадионга — «Пахтакор» — «Жальгирис» уйинини кўриш учун йўл олдик. Соат учларда Ўзбекистон кўчаси томонидан стадионга кириладиган кассаларнинг бирида, тўс тўполонда билет ва лотерея олиш учун навбатга турдик. Кассирга ўн сўм узатиб, бешта билет ва бешта лотерея беришни илтимос қилдик. У бизга бешта лотерея билан бешта календарь берди. Нарироққа қариб қарасак, билет йўқ. Аввалига, ҳали мавсум бошланмаганлиги сабабли календарь билан стадионга кирасан керак, деган фикрга бордик. Хом ўйлаган эканмиз, ён атрофда бизга ўшабгарансиз турганлар ҳам анчагина экан. Шу пайт ёнимизга бир йигит келиб «кечирасизлар, сизлар ҳам 90 тийинлик календарини 1 сўмдан олдингизми?» деб сўради. Биз дарҳол календарь баҳосига эътибор бердик. Билет қидириб унча аҳамият бермаган эканмиз. 90 тийинлик нарсани кассир ҳаммамизга 1 сўмдан пуллабди. Кассада одам тирбандлиги учун бу муаммонинг тагига ета олмадик. Бу ёни уйин соатлари яқинлашмоқда. Айримлар кўлдан билет олиб, стадионга кириб кетишди...

Қисқаси, ўша куни футболга туша олмадик. Кўлдан билет олишга одадланмаганимиз. Лекин бизни бир нарсга ўйлантириб қўйди. Ҳозир ошкоралик, қайта кўриш даври бўлса, нега ҳамон юлчиликдан ярамас иллат давом этиб келмоқда. Бизга билет ўрнига календарь берган кассир наҳот кўпчиликнинг ҳақидан уриб қолиш жиноят эканлигини билмасе.

Стадион маъмуриятига лотереяга қўшимча қилиб календарь сотишга ким ҳуқуқ берди?

М. МИРАЛИЕВ,
А. ҚОРАБОВ.

ҚУЛОҚҚА ЧАЛИНГАН ГАПЛАР

Спортда ташаббусни кўлга олиш билан иш битмайди. Бу ташаббусдан қандай фойдаланиш лозимлигини ҳам билиш керак.

[Тренер ўқитидан].

Вақтинчалик омадсизликлар бу командани бутун мавсум мобайнида таъқиб этди.

[Газета шарҳидан].

Ҳимоячилар дарвозабон йўл қўйган ҳатолар тўғрисида, оғир ҳақиқатларда қандай ўй

ХАНДАЛАР

Икки киши суҳбатлашиб туришганда. Улардан бири шундай деди:

— Мен олишдан кўра кўпроқ беришни афзал қўраман...

— Ниямини назарда тутаясан, — ажабланди суҳбатдоши.

— Зарбани-да. Ахир, мен — боксёрман-ку!

— Бугун минганг оғир жуда сермулозамат экан, — деди чавандозлик мактаби талабаси ўз тренерига.

— Бу нима деганинг?

— Тўсиққа яқинлашишни билан мени ўзидан олдинга ўтказаверганини айтман-да.

• Ҳавойи рақамлар •

Йўқ, ҳеч ким мажлисда ҳеч кимга бундай савол бермади. Бу рақам область миқёсидаги катта йигин минбардан туриб тилга олинган учунми, ҳамма (кўпчилик, спортнинг борди-хелдиларини тушунмаслиги учун бўлса керак) ишонди. Балки ажабланганлар ҳам бўлгандир-у, лекин мажлисда бу сезилмади, рақамга ошқора эътироз билдирилмади.

Аммо, биз бу рақамни қанчалик рост эканлигини аниқлаш учун ўзимизда мажбурият ҳис этидик. Чунки, рост бўлса, бу — тайёр тажриба, уни кенг оммалаштириш, агар ёлгон бўлса, сирни фош этиб, одамларга ҳақиқатни айтиш — матбуотнинг вазифаси.

Шундай қилиб, 70 минг аҳолиси бор районда 16 минг спортчи бўлса, кўплик қилмайдики! Гўдагу-қария, эри-қизларнинг ҳар тўртдан бири спортчи эканлиги муболағга эмасми?

Ишбтлашининг ҳолати йўқ: қаерда спорт оммиаси туриб олса, ўша ерда машҳур спортчилар кўпроқ етишиб чиқди. Шу мантиққа асосланасан, Пискент райониди 16 минг спортчи орасидан нафақат область ёки республика эмас, балки СССР, ҳатто жаҳон чемпионолари етишиб чиқиши керак. Лекин қани ўша чемпионолар! Афсуски, чемпионоларни қозғошда асаб бўлмайди-да, акс ҳолда пискентликлар буни ҳам урда-лашарди.

Майли, ўртамаёна қишлоқ районидан СССР ва жаҳон чемпионоларини талаб қилмай қўя қолайлик. Аммо ўша 16 минг спортчининг қачон, қаерда, спортнинг қайси тури билан шуғулланаётганлигини сурштиришга ҳақимиз бордир! Қарангки, биз

нинг бу саволимизга жавоб тайёр экан: районда 42 та баскетбол, 26 та волейбол майдонлари бор (стадион масаласида эса тиллари қисик).

Йўқ, бу рақамларнинг ҳаммаси бўлмаса-да, кўпи ҳавойи. Район мактабларида ўқувчиларнинг кучи билан бир — жуфт эгри ёғочни тикка қилиб қўйиб, бу баскетбол, буниси волейбол майдончаси, деб рўйхатларга киритилаверилади. Уларнинг кўпи бузилиб, таги-туғи билан йўқ бўлиб кетгандан сўнг ҳам ҳисоботлардан ҳисоботларга кўчиб юраверади (бу фақат Пискент районида тегишли касаллик эмас).


Аслида спорт иншоотларининг нафи, спортчилар бор ёки йўқлиги вақти-вақти билан ўтказиб туриладиган турли мусобақалар билан белгиланади. Бу ерда район спартакиадалари, спорт турлари бўйича ҳўжаликлар ўртасида ўтказиб туриладиган мусобақалар қаёқда тайинли маълумотлар йўқ.

Яна ўша рақам — 16 минг спортчи масаласига қайтишга тўғри келади. Районни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг 1987 йилги планлари қандай баҳариланганлиги масаласига бағишланган мажлисда область вакиллари шундай савол беришди: бу рақам қаердан олинган ўзи? Сўраб-сурштиришлар пайтида маълум бўлишча, район мактабларидаги ўқувчилар сони 16 минг атрофида экан.

— Э-э, гап бу ерда экан-да, — деди область вакилларида бири. Залда жонланмиш, кулги бошланди.

Ҳақиқатан ҳам аҳвол кулгили эди.

А. ЯУЛДОШЕВ.



«ҚИШ СПОРТИ» ЧАЙНВОРДИ

1. Хоккей пенальтиси. 2. Олимпиада Мамлакатимиз хоккей терма командасининг бош тренери.
3. Команда даволочиси. 4. Спорт анжони. 5. Киши олимпиада ўйинлари бўлиб ўтган шаҳарлардан бири. 6. Соврин.
7. 1988 йилги киши олимпиада ўтказиладиган давлат.
8. Мусобақаларни доимий кўриш ҳўжжати. 9. Баландликдан сирғалиб тушиш қўрилмаси. 10. Олимпиада ўйинлари қатнашчиси бўлган СССР хоккейчиси. 11. Фигурали учуш усталарининг спорт инвентари. 12. Олимпиада ўйинлари кўрсатиладиган халқаро телекурсути.
13. Олимпиада ўйинларига қўлаб спортчилари вакил қилинган қиш. 14. Тоғ спорти тури.
15. Яхлатилган суя. 16. Ёпиқ спорт хонаси. 17. Спорт ташкилотлари уюшмаси. 18. Спорт ҳақами. 19. Мағлубиятга учирган команданинг уни ютган командани устидан эришган ютуғи. 20. Муз устиде хоккей анжони.

ТУЗУВЧИ Ф. ҒАФУРОВ.

ОЛИМПИАДА
ТЕВАРАГИДА

● Тоғ чаңғичи — олимпиадачилар мусобақалашаётган Накискининг географик номи индеецлар тилида «учрашу жойи» деган маънони билдиради. Маҳаллий аборигенлар бир неча аср илгарироқ 1988 йил кишида бу ерда жаҳоннинг энг яхши спортчиларни тўпланишини башорат қилишган кўринади.

● Фигурали учуш спортчи ишқибозлари бу гапга киши Олимпиада ўйинларини Бизе музикаси мусобақаси сифатида кўп эслаб юришса керак. Негаки, худди келишиб олгандек, аксари спортчилар Бизенинг «Кармен» операси музикасига рақсга тушдилар. Бизнинг спортчилар ҳам бундан ҳоли эмас. Екатерина Гордеева ва Сергей Гринков ҳам қисқа программаларини машҳур кўй остида ижро этишди. Олимпиада-84 чемпиони ГФРлик Катерина Вит ҳамда 1987 йилги жаҳон чемпиони америкалик Деби Томас ҳам «Кармен» операсидан фойдаландилар. Ниҳоят, яна бир спортчи Италия терма командасининг аъзоси Ивон Гомес ҳам улуф француз композиторининг ўлмас асарини рақс учун танлади...

● Америкалик конькида югурувчи Нэнси Сундер — Пельц олимпиада ўйинларида иштирок этиш-этимаслигини узоқ вақт билмай юрди. Бунинг сабаби бор эди, албатта. 13 ойлик кизалоғини қолдиришга одам топполаётганди. Спортчи ҳарқалай йўлини топди, у чақалоқини... ўзи билан Калгарига олиб кетди. Кўпгина газеталар эълон қилган фотосуратда овал шаклидаги муз йўлкасида қўлида боласи билан машқ қилаётган Нэнси тасвирланган эди...

● Калгариде чиқадиغان газеталарнинг бири канадалик фигурачи-спортчилар Роду ва Карин Гарроскиларга бюртма берган бир неча мақолаларни босишдан бош тордик. Улар газета саҳифаларида ўйинларнинг биринчи куни ҳақида ўз фикр-мулоҳазалари, таассуротлари билан қатнашмоқчи эдилар. Уин ташкилотчилари Олимпиада хартиясининг 51-моддасига биноан бунга қатъий қарши чиқдилар. Чунки, мусобақаларда банд бўлган спортчилар, тренерлар ва расмий шахслар олимпиада ўйинлари давомида, журналист сифатида аккредитация қилиниши, оммавий ахборот воситаларининг мафавватларини ёқлаб, уларда қатнашишлари ман этилган...

[ТАСС махсус мухбирлари].

Редактор
Н. НАСИМОВ.

ТОШКЕНТ
ХАКИКАТИ

(«Ташкентская правда»)
Орган Ташкентского обкома
Коммунистической партии
Узбекистана и областного
Совета народных депутатов

Издаётся на
узбекском языке
Редакция адрес:
700083, ГСП, Ташкент,
Ленинград кўчаси, 32

Узбекистон Компартияси
Марказий Комитети
нашриятининг Меҳнат Қизил
Байроқ орденли
босмаҳонаси. Ташкент шахри.

Индекс: 64684.
Р. 09616. А. 1554.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12